

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГДИЕВ ХАСАН НИГМАТЖАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ЕР УСТИ СУВ РЕСУРСЛАРИ МОНИТОРИНГИДА
ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

**География фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Магдиев Хасан Нигматжанович

Ўзбекистон ер усти сув ресурслари мониторингида

ГАТ технологияларини қўллаш 3

Магдиев Хасан Нигматжанович

Мониторинг поверхностных водных ресурсов Узбекистана

с применением ГИС технологий.....21

Magdiev Khasan Nigmatjanovich

Monitoring of surface water resources of Uzbekistan

applying GIS technology.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГДИЕВ ХАСАН НИГМАТЖАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ЕР УСТИ СУВ РЕСУРСЛАРИ МОНИТОРИНГИДА
ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Gr119 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nigmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳикматов Фазлиддин Ҳикматович
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Чембарисов Эльмир Исмаилович
география фанлари доктори, профессор

Дергачева Ирина Викторовна
география фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «21» 08 соат 19⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998) 71 2358512, факс: (+998) 71 2371319, E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№225 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998) 71 2358512, факс: (+998) 71 2371319, E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация автореферати 2024 йил «06» 08 кунни тарқатилди.
(2024 йил «06» 08 даги 4 рақамли реестр баённомаси).



Б.М.Холматжанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Б.Э.Нишонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., катта илмий ходим

Х.Т.Эгамбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда иқлим ўзгариши натижасида сув танқислиги йил сайин кучайиб бормоқда ва унинг салбий оқибатлари қурғоқчил ҳудудларда тобора кескинроқ сезилмоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан “2030 йилга бориб, сув ресурсларини барча даражаларда, жумладан, зарур ҳолларда, трансчегаравий ҳамкорлик орқали комплекс бошқаришни таъминлаш”¹ зарурлиги таъкидланган. Сув ресурслари чекланган шароитда иқтисодиётнинг турли сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчи тармоқларида, шунингдек, ичимлик суви таъминотида, сув ресурсларини бошқариш ва мониторинг қилишда замонавий инновацион усуллардан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишда замонавий географик ахборот тизимларини қўллаш, қурғоқчил ҳудудлардаги ер усти сув объектларини мониторинг қилиш тизимларини ва усулларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, куруқлик сувлари - дарёлар, қўллар ва сув омборлари гидрологик режимининг асосий миқдор ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш ва улар асосида сув объектлари ҳолати мониторингини тезкор ташкил этишга хизмат қиладиган ГАТ маълумотлари базасини яратиш усулларини такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга эришиш ва сув тақчиллиги муаммосини юмшатишга бағишланган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда дарёлар, қўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари сув ресурслари мониторингини ташкил этиш, уларни муҳофаза қилиш, мавжуд сув захираларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида “Сув ресурсларини оқилона бошқариш ва сувни тежаш мақсадида мониторинг тизимини тубдан ислоҳ қилиш давлат дастурини амалга ошириш”² бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада замонавий ГАТ технологияларини қўллаб, ер усти сув объектлари ва уларнинг ресурслари мониторинги усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сон, 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сон, 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, 2023 йил

¹ БМТнинг йиллик ҳисоботи: Сув ресурсларини комплекс бошқариш соҳасида юксалиш. 2021 йил. www.unwater.org/about-unwater/members.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. <https://lex.uz>

11 сентябрдаги ««Ўзбекистон - 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармонлари ва 2023 йил 1 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-107-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий географик информацион тизимлар - ГАТ технологияларидан фойдаланиш асосида табиий муҳит, хусусан, сув объектлари мониторингини ташкил этишнинг умумий илмий-назарий, услубий ва амалий масалалари хорижлик олимлардан А.Т.Тенг, А.Р.Шожаев, Л.А.Заден, Р.Лонглей, Д.Рхинд, С.А.Орловский, М.Сугено ва бошқаларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган.

Собиқ Иттифоқ ва МДХ мамлакатлари олимларидан Е.Е.Ширяев, В.Я.Цветков, В.С.Тикунов, А.М.Берлянт, В.А.Абахулсов, В.А.Семинов, Ю.А.Израэль, Г.Г.Винберг, Н.И.Алексеевский, А.В.Владимиров, В.Г.Орлов, В.Н.Коротаев, Н.Л.Фролова, А.В.Христофоров кабиларнинг тадқиқотлари, замонавий ГАТ технологияларини қўллаган ҳолда, сув объектлари ҳолатини баҳолашга бағишланган.

Ўзбекистонда атроф-муҳит, сув объектлари ва уларнинг ресурслари, хавфли гидрологик ҳодисалар, экин майдонлари ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини мониторинг қилишда ГАТ технологияларини қўллаш масалалари Т.М.Мирзалиев, А.А.Рафиков, М.Л.Арушанов, Э.Ю.Сафаров, Х.А.Тойчиев, Э.И.Чембарисов, Ф.Хикматов, Л.Х.Гулямова, Б.Д.Абдуллаев, Б.Т.Курбанов, В.А.Рафиков, Б.Э.Нишонов, П.Р.Реймов, Ш.М.Шарипов каби олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Бирок, юқорида номлари келтирилган тадқиқотчиларнинг ишлари асосан табиий муҳит, ер ости сувлари, суғориладиган ерларнинг ҳолати, хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ва бошқалар мониторинги масалаларига бағишланган. Мазкур диссертация иши юқоридаги тадқиқотлардан ер усти сув объектларини мониторинг қилиш усулларини ГАТ технологияларини қўллаш асосида такомиллаштиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИД-7.4 – “Ўзбекистон ер усти сувлари атласининг электрон версиясини яратиш” (2005-2006 йй.), ОТ-Ф6-062 – “Орол ҳавзаси гидрологик ва табиий-географик жараёнларининг айрим қонуниятларини ўрганиш” (2007-2011 йй.), ОТ-Ф5-13 – “Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги дарёлар гидрологик режими ва сув ресурсларининг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш” (2017-2020 йй.)

мавзуларидаги инновацион ва фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ер усти сувлари – дарёлари, кўллари, сув омборларининг гидрологик режими ва сув ресурслари мониторинги усуллари замонавий ГАТ технологияларини қўллаш асосида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

табiiй муҳит, хусусан, сув объектлари мониторингини ташкил этишда ГАТ технологияларини қўллашнинг жорий ҳолатини баҳолаш;

Ўзбекистоннинг ер усти сув объектлари – дарёлар, кўллар ва сув омборлари сув режими элементларининг асосий гидрологик кўрсаткичларини миқдорий баҳолаш;

сув объектлари морфометрик ва гидрологик кўрсаткичларининг миқдор ва сифат ўзгаришлари мониторинги учун ГАТ маълумотлар базасини яратиш;

ер усти сувлари гидрологик режими ва ҳавфли гидрологик ҳодисаларнинг рақамли хариталарини тузиш технологиясини, ГАТ стандарт дастурларини қўллаш асосида, такомиллаштириш;

сув объектлари – дарёлар, кўллар, сув омборлари мониторинги рақамли гидрологик хариталарини ГАТ технологияларини қўллаш асосида тузиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон ер усти сувларининг таркибий қисмлари – дарёлар, кўллар ва сув омборлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон дарёлари, кўллари ва сув омборлари мониторинги усуллари замонавий ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш, шу мақсадда уларнинг гидрологик кўрсаткичларини аниқлаш масалалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда географик умумлаштириш, гидрологик ўхшашлик ва таққослаш, гидрологик ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган. Сув объектлари гидрологик кўрсаткичларининг узоқ муддатли тебранишлари, ўзгарувчанлиги ва меъёрларини баҳолашда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усуллари қўлланилган. Сув объектларининг рақамли гидрологик хариталарини лойиҳалаш ва тузишда замонавий ГАТ технологияларининг MapInfoPro, ArcGISPro каби стандарт дастурий маҳсулотларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

ер усти сув объектлари режими элементларини кузатиш маълумотларини бирламчи қайта ишлаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш усуллари ГАТ технологияларини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги дарёлар (Q , м³/с; M , л/с·км²; U , мм), кўллар ва сув омборлари (h , м; F , км²; W , км³) сув ресурсларининг асосий миқдорий гидрологик кўрсаткичлари аниқланган;

сув объектлари ва ресурсларининг ГАТ гидрологик маълумотлар базаси уларнинг гидрографик, морфометрик, сув оқими, гидрокимёвий ва бошқа кўрсаткичларини хариталаштиришда фойдаланиш мақсадида яратилган;

дарёлар, кўллар, сув омборлари ва ҳавфли гидрологик ҳодисалар мониторинги хариталарини MapInfoPro, ArcGISPro каби стандарт компьютер дастурларида яратиш технологияси такомиллаштирилган;

Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги ер усти сув объектлари режими ва ресурслари мониторингининг рақамли гидрологик хариталари ГАТ технологияларини қўллаш асосида яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гидрологик кузатиш пунктлари маълумотларини умумлаштириш ва тизимлаштириш технологияси стандарт компьютер дастурларини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

ер усти сув объектлари гидрологик режими кўрсаткичларининг ГАТ маълумотлари базаси уларни хариталаштириш мақсадида яратилган;

рақамли гидрологик хариталарнинг рўйхати ва мазмуни, уларнинг моҳияти ва вазифаларига кўра, алоҳида гуруҳларга ажратиш йўли билан аниқлаштирилган;

дарёлар, қўллар, сув омборлари мониторингини юритиш имконини берадиган рақамли гидрологик хариталар замонавий ГАТ технологияларини қўллаш асосида ишлаб чиқилган;

хавфли гидрологик ҳодисалар – сел тошқинлари ва қор кўчкилари мониторингининг рақамли хариталари тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда асосий ахборот манбаи сифатида Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ўзгидромет)нинг стандарт кузатувлари ҳамда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети (Green University) қошидаги Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (ГМИТИ) маълумотларидан фойдаланилганлиги билан асосланади. Уларни бирламчи қайта ишлаш, умумлаштириш ва тизимлаштиришда гидрометеорологик кузатишларни таҳлил қилишнинг ГМИТИ ҳамда Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (ИСМИТИ)да қўлланиладиган ва умум қабул қилинган усуллари билан фойдаланилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, уларнинг фаннинг мазкур соҳаси бўйича олдинги тадқиқотчилар олган материалларга мослиги ва тегишли вазирлик ва идоралар тизимларида амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – келгусида ишнинг асосий илмий хулосалари ва ёндашувларидан бошқа ҳудудлардаги сув объектлари сув режими элементларини гидрологик кузатиш маълумотларини статистик қайта ишлаш ва умумлаштириш усуллари билан такомиллаштиришда, шунингдек, замонавий ГАТ технологияларини қўллаш асосида, сув ресурслари мониторинги усуллари билан ҳамда куруклик сувлари ва уларнинг ресурсларини миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш билан боғлиқ бўлган янги гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар усуллари билан яратишда фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишда олинган хулосалар ва уларга асосланган тавсиялар, шунингдек, дарёлар гидрологик режими элементларини, жумладан, уларнинг оқим меъёри, йиллараро

тебраниши ва ўзгарувчанлиги ҳамда йил давомида тақсимланишини баҳолашнинг такомиллаштирилган усуллари ва иқлим илиши шароитида оқим кўрсаткичларининг тадқиқотда аниқланган миқдорий қийматлари мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг узоқ муддатли режаларини ишлаб чиқишга, шунингдек, республика олий таълим тизимининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида гидрология фанларини ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон ер усти сув ресурслари мониторинги усуллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

дарёларнинг гидрологик режими элементлари ҳақидаги маълумотлар базасидан, хусусан, дарёларнинг оқим модули, уларнинг баландлик зоналари бўйича тақсимланиши кўрсаткичларидан Кадастр агентлигининг “Картография” Давлат илмий ишлаб чиқариш корхонаси (ДИИЧ)да Ўзбекистон Миллий атласининг “Дарёларнинг тўйиниш манбалари. М: 1:3500000” картасини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2023 йил 25 апрелдаги 08-02914-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги тўйинишига кўра турли типга мансуб бўлган дарёлар сув ресурслари мониторинги сифатини яхшилашнинг кўшимча имкониятлари яратилган;

кўлларнинг охириги ўн йилликлардаги гидрологик маълумотларини ҳисобга олган ҳолда аниқланган асосий миқдорий ва сифатий гидрологик кўрсаткичлари, хусусан, Айдар-Арнасой кўллар тизимида оид материаллардан Кадастр агентлигининг “Картография” ДИИЧ корхонасида Ўзбекистон Миллий атласининг “Айдар-Арнасой кўллар тизими. М: 1:8500000” картасини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2023 йил 25 апрелдаги 08-02914-сон маълумотномаси). Натижада, Айдар-Арнасой кўллар тизими сув режими ва сув баланси элементлари мониторингини тезкор ташкил этиш имконини берган;

Ўзбекистондаги йирик сув омборларининг асосий гидрологик кўрсаткичлари (умумий ҳажми, меъёрий сув сатҳидаги майдони ва бошқа) маълумотларидан Кадастр агентлигининг “Картография” ДИИЧ корхонасида Ўзбекистон Миллий атласининг “Сув омборлари. М: 1:3500000” картасини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2023 йил 25 апрелдаги 08-02914-сон маълумотномаси). Натижада сув омборларининг сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг кўшимча имкониятлари яратилган;

республикамизнинг Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларидаги сув омборларининг морфометрик, гидрографик, гидрологик ва бошқа кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар базасидан Кадастр агентлигининг “Картография” ДИИЧ корхонасида Ўзбекистон Миллий атласининг “Сув омборлари: Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари. М: 1:1600000”

картасини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2023 йил 25 апрелдаги 08-02914-сон маълумотномаси). Натижада, Фарғона водийсидаги сув омборларидан комплекс фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун кўшимча имкониятлар яратилган;

дарёлар, кўллар, сув омборлари, қор кўчкилари ва сел оқимларининг рақамли мавзули хариталаридан Гидрометеорология хизмати агентлигида гидрометеорология тармоғи ишини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг истиқбол режаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2024 йил 02 февралдаги 04/11-941-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзгидрометнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектларидаги гидрометеорология тармоғини модернизация қилишнинг истиқбол режаларига аниқлик киритишнинг кўшимча имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 7 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги таъкидланган, ишнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги кўрсатилиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баҳоланган, ишнинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқлаштирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертация ишининг «**Сув ресурслари мониторингини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати ва бу соҳада ГАТ технологияларидан фойдаланиш**» деб номланган **биринчи бобида**, сув объектлари ва уларнинг сув ресурсларини тадқиқ этишда мониторингни ташкил этиш масалаларининг бугунги ҳолати баҳоланган. Табiiй, хусусан, сув муҳити мониторингида қўлланиладиган Ерни масофадан зондлаш ва сунъий йўлдошлар ёрдамида

таъсвирга олиш усуллари таҳлил қилинган. Сув объектларини мониторинг қилишда ГАТ технологияларининг замонавий усулларида фойдаланишнинг афзалликлари кўрсатилган. Ушбу боб ер усти куруқлик сувлари мониторингининг якуний босқичи сифатида қараладиган хариталаштириш масалаларини кўриб чиқиш билан якунланган.

Атроф-муҳит, жумладан, сув ресурслари мониторингини ташкил этишнинг илмий-методик асослари собиқ Игтifoқда Ю.А.Израэль, А.М.Никоноров, Н.И.Алексеевский, Н.Л.Фролова, А.В.Христофоров, И.Н.Шикломанов ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган. Уларнинг тадқиқотларида қайд этилганидек, давлат атроф-муҳит мониторинги, бу атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиш, унинг антропоген омиллар таъсирида ўзгаришини баҳолаш ва прогнозлашнинг комплекс тизимидир.

Диссертацияда «мониторинг», «географик ахборот тизими – ГАТ», «ГАТ маълумотлари» ва «ГАТ технологиялари» тушунчаларининг таърифлари, моҳияти ва мазмуни очиқ берилган. Ер усти сувлари мониторинги, мақсадларига кўра, қуйидаги турларга ажратилган: *мунтазам* (стационар кузатишлар); *тезкор* (фавқулудда вазиятларда); *махсус* (кузатишлар сув ҳавзаларида амалга оширилади); *трансчегаравий ер усти сувлари мониторинги*. Давлат сув объектлари мониторингининг таркиби ва тузилмаси аниқланган (1-расм).



1-расм. Давлат сув объектлари мониторингининг таркиби ва тузилмаси

Диссертация ишида сув ҳавзалари ва уларнинг ресурсларини масофадан кузатишнинг замонавий усуллари ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган, коинотдан ер юзаси ва унинг ресурслари ҳақида геофазовий маълумотларни олиш усуллари баён этилган. Шу билан бирга, Ерни масофадан зондлашда (ЕМЗ) сунъий йўлдошлар оптик-электрон тизимларининг аҳамияти алоҳида қайд этилган. Сув объектлари мониторингини, ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда, ташкил этишда гидрологик хариталаштиришнинг афзалликлари кўрсатилган. Шунингдек, дастлабки маълумотларнинг ўзаро

мувофиқлиги, хариталарнинг асосий турлари (ёғингарчилик, буғланиш, юза оқим хариталари) ва тавсифлари (ёғинлар ва буғланиш жадаллиги, оқим модули) ва бошқаларга оид масалалар кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **иккинчи боби «Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлар ер усти сув объектлари ва улар сув ресурсларининг умумий тавсифи»** деб номланган. Ушбу бобда Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлар ер усти сув объектлари ва уларнинг сув ресурсларига умумий тавсиф берилган. Хусусан, сув ресурсларининг асосий манбалари – қор қоплами ва тоғ музликларининг, табиий ва антропоген гидрографик тармоқларнинг шаклланиш хусусиятлари кўриб чиқилган, Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги қўл ва сув омборлари гидрологик режимининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Тадқиқотда, ер усти сувлари - бу ер юзасида дарёлар, сойлар, вақтинчали жилғалар, қўллар, сув омборлари, ботқоқликлар, музликлар ва қор қоплами шаклида мавжуд бўлган сув объектлари эканлиги таъкидланган. Ўзбекистон шароитида қор қоплами ва тоғ музликлари сув ресурсларининг асосий манбаларидир. Кўриниб турибдики, қор қоплами ва музликлар мониторингини ташкил этиш дарёлар, қўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектларининг ҳозирги ҳолатини миқдорий баҳолаш, шунингдек, уларнинг гидрологик режимида кутилаётган ўзгаришларни прогноз қилиш имконини беради.

Диссертацияда қайд этилганидек, бугунги кунда Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудларда қор қоплами ва тоғ музликлари мониторинги, улар динамикасини ўрганиш мақсадида MODIS Terra/Aqua сунъий йўлдош тасвирлари кўринишидаги NASA (Миллий Аэронавтика ва Коинот бошқармаси) ЕМЗ маълумотлари асосида амалга оширилмоқда. Қор қоплами майдони динамикасининг (Snow Cover Area - SCA), 1 февралдан 30 апрелгача амалга ошириладиган баҳолашлари нормал табақалаштирилган қор индекси (NDSI – Normalized Difference Snow Index) асосида аниқланади.

Диссертацияда гидрографик тармоқлар, яъни ўрганилаётган ҳудуддаги дарёлар, вақтинчалик оқар сувлар (1-жадвал), қўллар ва сув омборларининг ҳозирги ҳолатига тавсиф берилган.

Тадқиқотда Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон қўлларини гидрологик ўрганиш Л.С.Берг, Н.Л.Корженевский, А.И.Бутаков, Л.А.Молчанов, В.Н.Рейзвих, А.М.Никитин, Н.Е.Горелкин ва бошқаларнинг номлари билан боғлиқлиги кўрсатилган. Ўтган эллик йил давомида Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларидаги қўллар катта ўзгаришларга учрамаган. Бироқ, текисликлардаги қўллар ҳам майдони, ҳам сони жиҳатидан ўзгарган.

Бунинг сабаби йирик суғориладиган ерларда шаклланадиган қайтарма оқим ҳажмининг кўпайиши ва уларнинг экин майдонлари чеккаларидаги ботикларда тўпланиб, ирригацион-ташлама типидagi қўллар ҳосил қилганлиги билан изоҳланган. Ишда соҳа олимлари томонидан олиб борилган изланишлар натижалари ва бошқа манбаларга таянган ҳолда, йирик қўлларнинг сони (46 та), морфометрик кўрсаткичлари (F , km^2 ; V , km^3), шунингдек, улар сув юзалари майдонларининг дарёлар ҳавзалари ва баландлик зоналари бўйича тақсимланишига аниқлик киритилган.

Ўзбекистоннинг турли узунликдаги дарёлари ва вақтинчалик сойлари сони

Дарё ҳавзаси	Дарёлар ва сойлар узунлиги L, км			Жами
	L < 10	10 ≤ L ≤ 20	L > 20	
Амударё ҳавзаси				
Сурхондарё	4217	101	37	4355
Қашқадарё	2940	149	33	3122
Зарафшон	2216	94	43	2353
Ҳаммаси	9373	344	113	9830
Сирдарё ҳавзаси				
Зоминсув, Сангзор	846	58	34	938
Фарғона водийси	236	4	3	243
Оҳангарон	1671	42	17	1730
Чирчиқ	1849	145	21	2015
Ҳаммаси	4502	249	75	4926
Амударё, Сирдарё оралиғи	2856	37	28	2921
Ўзбекистон бўйича жами	16831	620	216	17677

Жадвал муаллиф томонидан «Гидрологическая изученость» ва В.Е.Чуб маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистондаги аксарият сув омборлари ўтган асрнинг 50-70-йилларида қурилган бўлиб, улар асосан суғориш мақсадлари учун мўлжалланган. Ўзбекистоннинг Амударё ҳавзаси қисмида йирик ($V > 10^6$ м³) сув омборлари сони 15 та, умумий ҳажми 13335,8 млн. м³, Сирдарё ҳавзасида эса 10 та, умумий ҳажми 4898,5 млн. м³ ни ташкил қилади. Кўллар ва сув омборларининг гидрологик кўрсаткичлари уларни тўйинтирадиган дарёларнинг гидрологик режимига боғлиқ ҳолда ўзгартириб туради. Бу ҳолат Ўзбекистондаги кўллар ва сув омборлари мониторингини олиб боришнинг нақадар муҳимлигини кўрсатади.


Диссертация ишининг «Сув объектлари мониторингини ташкил қилиш мақсадида уларни ГАТ ёрдамида гидрологик хариталаштириш технологияси» деб номланган учинчи боби, географик ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, сув объектлари ва уларнинг ресурсларини гидрологик хариталаштириш технологиясини такомиллаштиришга бағишланган. Бобнинг илк параграфида хорижда ва Ўзбекистонда гидрологик хариталаштиришнинг ривожланиши масалалари ўрганилган, сўнг мазкур тадқиқотда яратилиши мўлжалланган сув объектларининг рақамли хариталарининг рўйхати ва мазмуни аниқлаштирилган. Кейинги кичик бўлимда, сув объектлари мониторинги мақсадида гидрологик хариталарни тузиш технологияси кўриб чиқилган. Бобнинг сўнги параграфида мазкур типдаги хариталарни тузишга асос бўладиган гидрологик маълумотлар базасини ГАТда яратиш технологиясига эътибор қаратилган.

Канадалик олим Г.А.Мак-Кейнинг фикрича, гидрологик хариталар катта ҳажмдаги гидрологик маълумотларни умумлаштиришнинг ажойиб усули

бўлиб, улар таълим, гидротехник лойиҳалаштириш, сув хўжалигини режалаштириш ва бошқа мақсадларда фойдаланишнинг амалий ва самарали усули бўлиб хизмат қилади. Шу боис, улар бугунги кунда мониторингни ташкил этиш ва, пировард натижада сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ҳам фундаментал, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Сув объеклари мониторинги мақсадларида гидрологик хариталаштиришнинг назарий асосларини яратишга А.М.Берлянт, К.А.Салищев, Б.Д.Зайков, А.А.Соколов, Г.Н.Петров, Т.Г.Сваткова, В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, Т.Мирзалиев, Э.Ю.Сафаров, Ю.Н.Иванов, М.Л.Арушанов, Х.А.Тойчиев, Ф.Хикматов ва бошқалар ҳисса қўшганлар. Диссертацияда ўтган асрнинг 60-йилларида собиқ Иттифоқ республикаларининг мажмуали атласлари нашр этилиши муносабати билан гидрологик хариталаштириш кенг йўлга қўйилганлиги, Ўзбекистонда бу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу борадаги ишларнинг ривожланиш босқичлари Ўзбекистон ССР Атласидан (1963 й.) бошланиб, Ўзбекистон Миллий атласи (2020 й.) билан яқунланиши мисолида баён этилган.

Тадқиқотда ишлаб чиқилган сув объеклари мониторингининг рақамли гидрологик хариталари қуйидаги гуруҳларга бирлаштирилган: 1) дарёларнинг гидрологик режими хариталари; 2) дарёларнинг гидрокимёвий режими ва сув сифати хариталари; 3) кўллар ва сув омборларининг гидрологик режими хариталари; 4) хавфли гидрологик ҳодисалар хариталари. Ушбу гидрологик хариталарни яратишга асос бўлган маълумотлар базасини ГАТда тайёрлашда 129 та гидрологик постлар материалларидан фойдаланилган (2-расм).



2-расм. Амударё ва Сирдарё ҳавзаларидаги гидрологик постлар сони (N)нинг йиллараро ўзгариши

Сув объектлари мониторинги гидрологик хариталарини тузиш мақсадида маълумотлар базасини ГАТда яратиш технологияси - ГАТ стандарт лойиҳалаш операцияларни танлашни, бу босқич эса, ўз навбатида, гидрологик кузатиш тематик маълумотлар гуруҳларига - қатламларга, хусусан, дарёлар сув сарфлари ва лойқалиги, дарёларни тўйиниши бўйича турларга ажратишнинг сонли мезонлари ва сув объектлари гидрологик режимининг бошқа элементларига айлантириш жараёнларини ўз ичига олади.

Сув объектларининг рақамли хариталарини, ГАТдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш технологияси, гидрологик хариталар асосини яратиш учун таянч маълумотларни бирлаштирган базавий топографик хариталарга асосланади. Масалан, Ўзбекистоннинг “Гидрографик тармоқлар” рақамли харитасини тузишда ҳаракатлар тегишли таянч қатламларни танлашдан бошланган. Шундай қатламлар сифатида Ўзбекистоннинг маъмурий бўлиниши ва гидрографияси, яъни дарёлари, кўллари, сув омборлари келтирилган 1:200000 масштабдаги рақамли топографик хариталардан фойдаланилган.

Тадқиқотда сув объектлари ва ресурсларининг рақамли гидрологик хариталарини тузиш қуйидаги кетма-кетликда бажарилган: 1) гидрологик материалларни тўплаш, қайта ишлаш ва тизимлаштириш, бу босқичда қуйидагилар бажарилади: а) гидрологик кузатиш маълумотларини тўплаш; б) статистик-иктисодий ахборотларни тўплаш; в) бирламчи материалларни аниқлаштириш ва тизимлаштириш; г) топографик асосни танлаш; 2) гидрологик хариталарни лойиҳалаш ва тузиш; 3) MapInfo Pro, ArcGIS Pro каби ГАТ стандарт дастурларидан фойдаланиш.


Диссертациянинг якуний **тўртинчи боби "Сув объектлари ва улар ресурслари мониторингининг рақамли гидрологик хариталари"** деб номланади. Мазкур боб замонавий ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган сув объектлари ва ресурслари мониторинги рақамли гидрологик хариталарининг моҳияти, мазмуни ва вазифалари баёнига бағишланган. Мақсади ва вазифалари ҳамда сув объектларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, тузилган рақамли хариталар қуйидаги гуруҳларга бирлаштирилган: дарёларнинг гидрологик режими; ер усти сувларининг гидрокимёвий режими ва сифати; кўллар ва сув омборлари; хавфли гидрологик ҳодисалар хариталари.

Дарёлар гидрологик режими мониторинги рақамли хариталари гуруҳи гидрографик тармоқлар, дарёларнинг тўйиниши манбалари, улар оқимининг йил давомида тақсимланиши, дарёларнинг минимал оқими, дарёлар сувининг лойқалиги, тупроқ-грунтлар ювилиши хариталаридан иборат.

Гидрографик тармоқлар мониторинги харитасида дарё системаси шакл ва ўлчамларининг қуйидаги параметрларига эътибор қаратилган: бош дарё ва унинг узунлиги; ирмоқлар ва уларнинг узунликлари; дарёнинг эгрилиги; дарё тармоқларининг зичлиги; дарёнинг нишаблиги ва бошқа. Ушбу гидрографик тавсифлар картада махсус чизмалар, графиклар ва диаграммалар шаклида тақдим этилган. Дарёларнинг нишаблиги ва бўйлама қирқимлари улар оқими энергияси миқдорининг узунлик бўйича ўзгаришларини аниқ тасвирлайди, бу ҳолат хаританинг амалий аҳамиятини белгилайди.

Дарёларнинг тўйиниш манбалари мониторинги харитасини тузишда В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, М.Н.Большаков ва бошқаларнинг тадқиқотлари натижалари ҳисобга олинган. Харитада куйидагилар кўрсатилган: турлича тўйиниш типига эга бўлган дарёларнинг сув тўплаш майдонлари; дарёларни тўйиниш типлари бўйича таснифлаш мезонлари; тўйинишига кўра турли типдаги дарёлар ойлик оқимининг йил давомида тақсимланиши диаграммалари ва бошқ. Дарёлар тўйиниш манбаларининг ушбу тавсифлари, уларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга.

Дарё оқимининг йил давомида тақсимланиши мониторинги хариталари оқимнинг баҳорда (III-V) ва ёзда (VI-VIII) мавсумий тақсимланишини характерлайди. Унинг мазмунини бойитиш мақсадида дарёлар оқимининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланиш диаграммалари келтирилган. Масалан, Тўқтағул сув омбори таъсирида Сирдарё (Кал) оқимининг йил давомида ойлар бўйича тақсимланишидаги ўзгаришлар махсус графикда кўрсатилган (3-расм).



3-расм. Дарёлар оқимининг йил давомида тақсимланиши мониторинги хариталари

Дарёларнинг минимал оқими мониторинги харитасини тузишда минимал оқим сифатида дарёлар ойлик оқими модулининг кўп йиллик маълумотлари асосида аниқланган ўртача энг кичик миқдорлари ($M_{\text{мин}}$) қабул қилинган. Ушбу қийматлар $M_{\text{мин}}=f(N_{\text{ўрт}})$ ва $M_{\text{мин}}=f(M_{\text{ўрт}})$ боғланишлар асосида аниқлаштирилган, бу ерда: $N_{\text{ўрт}}$ – дарёлар сув тўплаш майдонининг ўртача баландлиги; $M_{\text{ўрт}}$ - оқим модулининг ўртача йиллик қийматлари.

Дарёлар сувининг лойқалиги мониторинги харитасини тузишда Г.В.Лопатин, Г.И.Шамов, О.П.Щеглова, А.Р. Расулов, Ю.Н.Иванов ва бошқаларнинг Ўрта Осиё дарёлари суви лойқалигининг ўзгариш чегараларини ҳисобга олган градацияси қўлланилган. Хаританинг илмий ва амалий ахборот бериш имкониятларини бойитиш мақсадида унга махсус графиклар ва диаграммалар илова қилинган. Улар тўйиниши бўйича турли типдаги дарёлар муаллақ оқизиклари сарфлари ва лойқалигининг йил давомидаги ўзгаришларини тавсифлайди ҳамда фан ва амалиётнинг тегишли соҳаларида муҳим аҳамиятга эга.

Дарёлар ҳавзалари юзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллиги мониторинги хариталари гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда, шунингдек, эрозияга қарши чора-тадбирларни режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Уни тузишда тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллигининг баландлик зоналари бўйича ўзгариши хусусиятлари ҳисобга олинган. Мазкур масалани ҳал қилишда В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, Ю.Н.Иванов ва бошқаларнинг тадқиқотлари натижалари асос бўлган. Хусусан, О.П.Щеглова таклиф этган усул турли баландлик зоналари учун ювилишнинг миқдорий қийматларини аниқлаш, улар асосида эса Сурхондарё, Қашқадарё, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ҳавзаларидан ювилиш хариталарини тузиш имконини берган.

Улардан дарёлар ҳавзалари ва уларнинг ўрганилмаган ирмоқлари юзаларидан тупроқ-грунтлар ювилиш мониторингида фойдаланиш мумкин.

Дарёларнинг гидрокимёвий режими ва ер усти сувлари сифати мониторинги хариталари гуруҳига худди шу номлардаги рақамли хариталар киритилган. *Дарёларнинг гидрокимёвий режими* мониторинги харитаси дарёлар сувининг минераллашув даражаси ва кимёвий таркибини тавсифлайди. Уни ишлаб чиқишда О.А.Алекин таснифи асос қилиб олинган. Картадаги гидрокимёвий районлар В.Е.Чуб ва Ф.Э.Рубиноваларнинг тадқиқотлари натижалари асосида ажратилган. Унинг ахборот берувчанлигини ошириш мақсадида унга турли хил махсус графиклар, диаграммалар, чизмалар ва жадваллар илова қилинган. Масалан, Сирдарё ва Амударё узунлиги бўйича минераллашув даражасининг ўзгариши махсус диаграммада кўрсатилган.

Ер усти сувлари сифати мониторинги харитаси. Ер усти сувлари таркибида ион-молекуляр ёки коллоид шаклда маълум миқдорда эриган органик ва ноорганик моддалар мавжуд бўлади. Эриган моддалар оқимининг энг катта қисмини ионли оқим ташкил этади. Органик моддалар ва биоген элементлар оқимининг миқдорий кўрсаткичлари О.А.Алёкин, А.М.Никоноров, Ф.Э.Рубинова ва бошқалар таклиф этилган усуллардан фойдаланган ҳолда ҳисобланган. Ушбу гуруҳ хариталари ичимлик, коммунал-маиший, қишлоқ хўжалиги ва саноат сув таъминоти билан боғлиқ чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқишда аҳамиятлидир.

Кўл ва сув ҳавзалари мониторинги хариталари гуруҳига кўллар ва сув омборлари, уларнинг ҳарорат режими хариталари киради. *Кўллар ва сув омборлари* мониторинги харитаси. Кўллар ва сув омборлари шакли, ҳажми,

гидрологик режими ва бошқа гидрологик-морфометрик кўрсаткичлари билан фаркланади. Сув ҳавзалари косаларининг шакли, улардаги сув ҳажми, ўртача ва энг катта чуқурликларининг микдорий кўрсаткичларини аниқлашда батиметрик хариталардан фойдаланилган. Улар сув юзаларининг майдони, узунлиги ва кенлиги, қирғоқ чизиғининг узунлиги ва эгрилиги топографик хариталар ҳамда ЕМЗ материаллари ёрдамида аниқланган. Улар харитада махсус графиклар, диаграммалар ва схемаларда кўрсатилиб, унинг аҳамиятини ва ахборот берувчанлигини оширган.

Дарёлар, кўллар ва сув ҳавзаларининг ҳарорат режими мониторинги харитаси ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Ушбу харитада келтирилган маълумотлар иқтисодиётнинг турли тармоқлари, хусусан, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, рекреация, муҳофаа ва бошқа соҳаларда ҳам қизиқиш уйғотади.

Хавфли гидрологик ҳодисалар мониторинги хариталари гуруҳига сел тошқинлари ва қор кўчкилари хариталари киради. Ўзбекистоннинг тоғ-тоғолди ҳудудлари ва унга туташ ҳудудлардаги дарёлар ҳавзалари кучли сел тошқинларининг тез-тез такрорланиши билан ажралиб туради. *Сел тошқинлари* мониторинги харитасини тузишда "Селевая летопись", шунингдек, В.Е.Чуб, Г.Н.Трофимов, С.В.Мягков ва бошқаларнинг материалларидан фойдаланилган. Харитада сел тошқинларининг такрорланиш частотасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ҳудуди бешта районга ажратилган. Унда келтирилган маълумотлар селга қарши чоратадбирлар режаларини ишлаб чиқишда, шунингдек, аҳоли пунктлари ва халқ ҳўжалиги объектлари муҳофазасини таъминлашда амалий аҳамиятга эга.

Қор кўчкилари мониторинги харитасида Ўзбекистоннинг тоғли қисмида қор кўчкиси хавфи мавжуд 6 та ҳудуд ажратилган. Бунда Л.А.Канаев, Ю.Д.Москолев, Б.К.Царев, Э.Р.Семакова ва бошқа тадқиқотчиларнинг натижаларидан фойдаланилган. Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудлари, қор кўчкилари ҳосил бўлишининг гидрометеорологик шароитларига кўра, шимолий ва жанубий зоналарга бўлинган. Харитада келтирилган махсус диаграммалар ва графиклар қор кўчкиларининг баландлик зоналари ва тоғ ёнбағирлари экспозициялари бўйича тақсимланишини тавсифлайди. Келажакда хаританинг илмий ва амалий аҳамиятини инобатга олган ҳолда, унинг дизайни, мазмуни ва ахборот берувчанлигини янада яхшилаш имкониятлари мавжуд.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистондаги табиий (дарёлар, кўллар) ва антропоген (сув омборлари) гидрографик тармоқларнинг ҳозирги ҳолати баҳоланган. Амударё ва Сирдарё ҳавзалари дарёлари, уларнинг йирик ирмоқлари ва сойларининг гидрологик кўрсаткичлари аниқланган. Ҳавзаларининг гипсографик эгри чизиқлари $[H=f(F)]$ графиклари қурилган. Улар ёрдамида дарёлар оқим модулларининг турли баландликлар оралиқларига мос келадиган зонал қийматлари $(M, л/с \cdot км^2)$ ҳисобланган.

2. Ўзбекистондаги йирик кўллар ($V > 10^6 \text{ m}^3$) ва сув омборлари ($V_T > 20 \cdot 10^6 \text{ m}^3$) гидрологик режимининг ҳозирги ҳолатини ифодаловчи морфометрик, гидрологик, лимнологик ва бошқа кўрсаткичлари масофавий зондлаш материаллари асосида аниқлаштирилган. Улар охириги йилларда ГМИТИ олимларининг тадқиқотларида ва соҳага тегишли бошқа манбаларда келтирилган маълумотлар асосида тўлдирилган. Кўлларнинг дарёлар ҳавзалари ва баландлик зоналари бўйича тақсимланиши таҳлил қилинган. Натижада улар жойлашиш хусусиятларининг дарёлар сув тўплаш майдонларининг гидрометеорологик шароитлари билан боғлиқлиги асосланган.

3. Бирламчи гидрологик маълумотларни умумлаштириш ва тизимлаштириш услублари такомиллаштирилган. Дарёлар ҳавзаларининг морфометрик кўрсаткичлари, гидрологик кузатиш пунктларининг баландликлар бўйича тақсимланиши, турли ўлчамлардаги сув тўплаш майдонларида ҳосил бўладиган дарёлар оқимини ҳисобга оладиган пунктлар сони, уларда ўлчанган оқим миқдорларининг асосий гидрологик кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар базаси ГАТда яратилган.

4. Турли типдаги гидрологик катталиқлар (F, km^2 ; W, km^3 ; $M, \text{л/с} \cdot \text{км}^2$; U, mm)нинг тизимлаштирилган ГАТ маълумотлари базалари асосида хариталарнинг мавзули қатламлари яратилган, улардан рақамли мавзули хариталарни тузишда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Мавзули қатламларни амалиётда қўллаш босқичлари кетма-кетлиги тақдим этилган. Натижада гидрологик хариталарни тузишда асосий мавзули қатламларни танлашга бўлган ёндашув усуллари такомиллаштирилган.

5. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилиши режалаштирилган рақамли гидрологик хариталарнинг рўйхати ва мазмуни аниқлаштирилган. Улар, гидрологик хусусиятлари ҳамда сув объектлари мониторинги доирасида белгиланган вазифаларига кўра, қуйидаги гуруҳларга ажратилган: 1) дарёлар гидрологик режими мониторинги рақамли хариталари; 2) дарёларнинг гидрокимёвий режими ва ер усти сувлари сифати мониторинги хариталари; 3) кўллар ва сув ҳавзалари мониторинги хариталари; 4) хавфли гидрологик ҳодисалар мониторинги хариталари.

6. Дарёларнинг гидрологик режими мониторинги гуруҳига кирувчи рақамли хариталар ГАТ технологияларини қўллаш асосида яратилган. Хусусан, гидрографик тармоқлар, дарёларнинг тўйиниш манбалари, ўртача кўп йиллик оқими, оқимнинг йил давомида тақсимланиши, минимал оқими ва лойқалиги, шунингдек, дарёлар ҳавзалари юзасидан тупроқ-грунтлар ювилиши жадаллиги мониторинги хариталари ишлаб чиқилган.

7. Дарёларнинг гидрокимёвий режими ва ер усти сувлари сифати мониторинги хариталарини тузиш амалиётида илк бор ГАТ технологиялари қўлланилган. Дарёларнинг гидрокимёвий режими харитасини яратишда О.А.Алекин таснифи асос қилиб олиган. Харитада В.Е.Чуб, Ф.Э.Рубинова ва Ю.Н.Ивановларнинг тадқиқотлари натижалари эътиборга олинди, 9 та гидрокимёвий район ажратилган. Ер усти сувлари сифати мониторинги харитаси сувни ифлосланттирувчи моддалар индекси (ИМИ) қийматлари

асосида яратилган. Харитада ўрганилаётган ҳудуд ер усти сувлари сифати, ушбу кўрсаткичга кўра, 5 та гуруҳга ажратилган: яхши, қониқарли, ёмон, хавфли, ўта хавфли.

8. Кўллар ва сув ҳавзалари мониторингини олиб бориш мақсадида “Кўллар ва сув омборлари” ҳамда “Дарёлар, кўллар ва сув омборларининг ҳарорат режими” рақамли гидрологик хариталари тузилган. Уларда, кўллар ва сув омборлари косаларининг асосий морфометрик, гидрологик ва ҳарорат режими кўрсаткичлари жамланган, яъни муаллиф томонидан тузилган ГАТ маълумотлари базасидан фойдаланилган.

9. Хавфли гидрологик ҳодисалар мониторинги хариталарини тузишда асосий эътибор Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида тез-тез кузатиладиган сел тошқинлари ва қор кўчкиларига қаратилган. Сел тошқинлари мониторинги харитасида уларнинг ҳосил бўлиши, йил давомида ва йиллараро такрорланиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Ўрганилаётган ҳудуд, сел оқимларининг такрорланиш частотасига кўра районларга, генезиси бўйича эса турларга ажратилган. Қор кўчкилари мониторинги харитасида ушбу гидрологик ҳодисанинг хавфи даражаси, ҳудудий тақсимланиши ҳисобга олиниб, Ўзбекистоннинг тоғли қисми 5 та зонага ажратилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27/30.12.2019. Gr.47.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

МАГДИЕВ ХАСАН НИГМАТЖАНОВИЧ

**МОНИТОРИНГ ПОВЕРХНОСТНЫХ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ
УЗБЕКИСТАНА С ПРИМЕНЕНИЕМ ГИС-ТЕХНОЛОГИЙ**

11.00.03 - Гидрология суши. Водные ресурсы. Гидрохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2019.3.PhD/Gr119.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский) - размещён на веб-странице Научного совета по адресу www.nigmi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Хикматов Фазлиддин Хикматович
доктор географических наук, профессор

Официальные оппоненты: Чембарисов Эльмир Исмаилович
доктор географических наук, профессор

Дергачева Ирина Викторовна
доктор философии по географическим наукам

Ведущая организация: Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»

Защита диссертации состоится «21» 08 2024 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте (Адрес: 100052, г. Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: (+998) 71 1358512, факс: (+998) 71 2371313. E-mail: info@nigmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрирована за №225). Адрес: 100052, г. Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: (+998) 71 1358512, факс: (+998) 71 2371319. E-mail: info@nigmi.uz).

Автореферат диссертации разослан «06» 08 2024 года.
(реестр протокола рассылки № 4 от «06» 08 2024 года).



Б.М.Холматжанов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

Б.Е.Нишонов
Учёный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней,
к.т.н., старший научный сотрудник

Х.Т.Эгамбердиев
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире, в результате изменения климата, с каждым годом усиливается дефицит воды и его негативные последствия особенно остро ощущаются на аридных территориях. В этой связи Организацией Объединенных Наций отмечено необходимость «К 2030 году обеспечить комплексное управление водными ресурсами на всех уровнях, в том числе, при необходимости, на основе трансграничного сотрудничества»³. В условиях ограниченности водных ресурсов в различных водопотребляющих и водопользующих отраслях экономики, а также в питьевом водоснабжении требуется применение современных инновационных методов в управлении и мониторинге водных ресурсов.

В мире проводится ряд научных исследований, направленных на применение современных географических информационных систем, усовершенствование методов и систем мониторинга поверхностных водных объектов аридных регионов при охране водных ресурсов и их рациональном использовании. В этой связи, особое внимание уделяется исследованиям, посвященным оценкам основных количественных и качественных характеристик гидрологического режима вод суши - рек, озёр и водохранилищ и на их основе усовершенствованию методов создания базы гидрологических данных в ГИС, служащей для организации оперативного мониторинга состояния водных объектов, повышению эффективности использования водных ресурсов и смягчению проблемы дефицита воды.

В республике уделяется особое внимание организации мониторинга и охране водных ресурсов рек, озёр, водохранилищ и других водных объектов и достигнуты определенные положительные результаты. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы намечены важные задачи по «Реализации государственной программы по коренному реформированию системы мониторинга, с целью рационального управления водными ресурсами и экономии воды»⁴. В этой связи, научные исследования, направленные на усовершенствование методов мониторинга поверхностных водных объектов и их ресурсов с применением современных ГИС–технологий имеют важное научное и практическое значение.

Диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-5742 от 17 июня 2019 года «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве», №УП-6024 от 10 июля 2020 года «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020 – 2030 годы, №УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана

³Ежегодный доклад ООН: Прогресс в области комплексного управления водными ресурсами. 2021 год. www.unwater.org/about – [unwater/members](http://www.unwater.org/members).

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан № УП–60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы». <https://lex.uz>.

на 2022-2026 годы», №УП-158 от 12 сентября 2023 года ««О стратегии «Узбекистан – 2030»» и в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-107 от 1 апреля 2023 года «О неотложных мерах по повышению эффективности использования водных ресурсов» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Общие научно-теоретические, методологические и прикладные проблемы организации мониторинга природной среды, в частности водных ресурсов, на основе применения географических информационных систем, т.е. ГИС-технологий, рассмотрены в работах зарубежных ученых А.Т.Teng, A.R.Shojaee, L.A.Zaden, P.Longley, D.Rhind, S.A.Orlovsky, M.Sugeno и других. Исследования ученых бывшего Союза и стран СНГ – А.М.Берлянта, В.А.Абахулсова, В.А.Семина, Ю.А.Израэль, Н.И.Алексеевского, А.М.Владимирова, А.В.Христофорова, В.Г.Орлова, В.Н.Коротаева, Н.Л.Фроловой и других посвящены оценки состояния водных объектов с применением ГИС-технологий.

В Узбекистане вопросы применения ГИС-технологий в области мониторинга окружающей среды, водных объектов и их ресурсов, опасных гидрологических явлений, мелиоративного состояния орошаемых земель изучены в исследованиях Т.М.Мирзалиева, А.А.Рафикова, М.Л.Арушанова, Э.Ю.Сафарова, Х.А.Тойчиева, Э.И.Чембарисова, Ф.Хикматова, Л.Х.Гулямовой, Б.Д.Абдуллаева, Б.Т.Курбанова, В.А.Рафикова, Б.Э.Нишонова, П.Р.Реймова, Ш.М.Шарипова и других.

